Ушбу сонда:
2 ИМТИЁЗЛИ ТЎЛОВЛАР жамоа шартномасида назарда тутилган
3 БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ
8 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 13 ноябр, шанба № 181-182 (1815)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Uzbekistan airways technics» корхонаси жамоасига

*Азиз дўстлар!*

*Меҳнат жамоангиз тарихидаги муҳим сана - «Uzbekistan airways technics» корхонаси ташкил этилганининг 80 йиллиги муносабати билан самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.*

*Авиация техникасини таъмирлаш бўйича асосий ишлар қўлда бажариладиган оддий устахона сифатида 1924 йилда ташкил қилинган мазкур корхона узоқ ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтиб, бугунги кунда жадал ривожланаётган, юксак технологиялар асосида фаолият юритадиган замонавий ишлаб чиқариш мажмуасига айланди.*

*Корхона кўп миллатли жамоаонинг фидокорона меҳнати туфайли мустақиллик йилларида ишлаб чиқариш қувватлари тубдан қайта жиҳозланди, илғор технологиялар, меҳнатни ташкил этиш ва бошқарув усуллари фаол ўзлаштирилди. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида корхона авиация хизматлари бозорида муносиб ўрин эгаллади, кескин рақобат муҳитида фаолият юритиш салоҳиятига эга бўлди. Айниқса, сизлар авиация техникасини халқаро андозалар даражасида таъмирлаётганингиз, буни хорижий ҳамкорларимиз ҳам тан олиб, корхона ҳақида ижобий фикрлар билдираётгани қувончлидир.*

*АҚШ, Россия, Канада, Украина, Буюк Британия ва Германия каби авиация техникаси соҳасида жаҳонда етакчи ҳисобланмиш мамлакатларнинг лойиҳачи ҳамда ишлаб чиқарувчилари билан ўзаро манфаатли, яқин ҳамкорлик туфайли А-310, Боинг-757, Боинг-767, RJ-85 каби замонавий самолётларни таъмирлаш бўйича минтақамизда ягона бўлган Техник хизмат кўрсатиш марказини ташкил қилиш, уларга муҳандислик-техникавий хизмат кўрсатишда юқори натижаларга эришиш имкони вужудга келди.*

*Жамоадаги бой меҳнат анъаналари, янада такомиллаштирилган замонавий ишлаб чиқариш базаси, кадрлар тайёрлаш, жумладан, Европадаги энг яхши ихтисослаштирилган ўқув марказларида тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими мавжудлиги ходимлар, айниқса ёш мутахассисларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.*

*Сизлар эришган натижалар мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодийислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани ва ҳукуматимиз авиация соҳаси ривожига доимий эътибор бериб келаётганининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлашни истардим.*

*Ишончим комилки, сизларнинг жамоангиз мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва обрў-эътиборини оширишдек олижаноб ишга бундан буён ҳам салмоқли ҳисса қўшаверади.*

*Азиз дўстлар, барчангизга чин қалбимдан муваффақиятлар ва меҳнатда янги-янги ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва ҳаётингизда фаровонлик тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ДИЛЛАРНИ МУНАВВАР ЭТГУВЧИ ҚУТЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Азиз юртдошлар, Сизларни улуғ айём - Ийд ал-Фитр муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ушбу саодатли кунларда Аллоҳ таолодан мўмин-мусулмонларнинг тутган рўзалари, барча эзгу амалларини ҳусни қабул айлаши ҳамда Ватанимиз обод, халқимиз фаровон, дастурхонимизга қут-барака ато этишини сўраб дуо қиламиз. Фазилатли Рамазон ойи шарофати билан дилларингиз имон нури ила мунаввар бўлиб, хонадонларингиз хайру баракотга тўлсин.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, муборак Рамазон ҳайитини элу юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда, кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдамиз.

Рамазон ҳайити қадимдан юртимизда халқимизга хос меҳр ва мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси бўлиб келган. Бу йилги Рамазони шариф ҳар қачонгидан ҳам жуда серфайз келди.

Давлатимиз Раҳбари томонидан жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши ҳамда 2004 йил 8 ноябр куни Вазирлар Маҳкамасининг «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши юртимизда ёши улуғ кексаларга ҳурмат-эҳтиром, кам таъминланган оилалар, етимлар, ногиронларга ғамхўрлик кўрсатиш каби хайрли ва азалий анъаналаримизга алоҳида эътибор қаратилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Саховатпеша кишиларимиз Аллоҳнинг уларга берган неъматларидан хайр-эҳсон қилишлари, муҳтож одамлар, мискину фақирларга ёрдам қўлини чўзишлари ҳаниф динимизнинг асосий кўрсатмаларидандир. Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак:

«Аллоҳга ибодат қилинг ва Унга ҳеч нарсани шерик қилманг! Ота- онага яхшилик қилинг. Шунингдек, қариндош, етим, мискин, қариндош қўшни ва бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир) ва қўл остингиздагиларга ҳам (яхшилик қилинг)!» -дейилади Нисо сурасининг 36-оятида.

Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.): «Кимки бир мусулмоннинг дунё қайғуларидан бирини кетказса, Аллоҳ унинг қиёмат кунидаги қайғуларидан бирини кетказади. Кимки дунёда бир қийналган биродарининг оғирини енгил қилса, Аллоҳ таоло унинг қиёматдаги оғирини енгил қилади. Бир банда бошқа бандага ёрдам қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам ёрдам кўрсатади», деганлар (Имом Термизий ривояти).

Мамлакатимизда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро ва бошқа ўнлаб алломаларимизнинг бебаҳо меросига муносиб ҳурмат кўрсатилмоқда.

Ҳукуматимизнинг жорий йилдаги «Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида», «Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари дунё маданияти хазинаси ва муқаддас динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросларини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, уларнинг эзгулик, маънавий комилликка чорловчи ғояларини ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш ҳамда ёдгорлик мажмуаларини асраб-авайлаш, ободонлаштириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга замин яратди.

Давоми 3-бетда)

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Сиз минг йиллар давомида Ўзбекистон маданиятини бойитиб келаётган эътиқод ва таълимот анъаналарини нишонлаётган ушбу дамларда, Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши тилакларни изҳор этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик келгусида ҳам ривожланаверишига тилакдошман:

Самимият ила,

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Барча мусулмонлар учун муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Аллоҳ таоло Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистон халқига осойишталик ва равнақ ато этишига тилакдошман.

Ҳайитингиз муборак бўлсин!

**Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,**
**Яман Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Жаноби Олийлари,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон халқига самимий табрик ва эзгу тилакларимни йўллаш менга мамнуният бахш этади.

Ушбу қутлуғ айём мусулмон умматининг бирдамлигини мустаҳкамлаш, ислом динини тараннум этиш ва унинг олижаноб мақсадларини амалга оширишга илҳомлантиришига ишончим комил.

Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, бахт-саодат сўрайман.

Юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Иажуддин АҲМАД,**
**Бангладеш Халқ Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллайман ҳамда Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт ва осойишталик тилайман.

**Умар Ҳасан Аҳмад ал-БАШИР,**
**Судан Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Рўза байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Туркманистон ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан қалб тилакларини йўллашдан бағоят бахтиёрман.

Қодир Аллоҳдан Сизга куч-қувват, узоқ умр, юртингизнинг биродар халқига ҳамда ислом умматига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Чуқур эҳтиром ила,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистондаги барча мусулмонларни Озарбойжон халқи ва шахсан ўз номимдан самимий муборакбод этаман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва муваффақият, дўст Ўзбекистон халқига тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

**Илҳом АЛИЕВ,**
**Озарбойжон Республикаси Президенти**

* * *

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

Аллоҳ ул зотни ўз паноҳида асрасин

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Рамазон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрик ва эзгу тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарлигимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳ азза ва жалладан Сизни ўз паноҳида асрашини, буюк халқингиз равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақият ҳамда барча таҳдидларга қарши туришингизда матонат ато этишини сўраб қоламан.

Яратганнинг ўзи ушбу қутлуғ айёмни Сизга ва халқингизга ҳамда бутун ислом умматига келгусида янада тараққиёт, фаровонлик ва бирдамлик ила такрор ато этсин.

Камоли эҳтиром ила,

**Абдулвоҳид БАЛҚАЗИЗ,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби**

*Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф, Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Шавкат Азиз ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.*

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҚУРУЛТОЙДАН ҚУРУЛТОЙГАЧА

***Ўзбекистон касаба уюшмаларининг III Қурултойидан кейинги давр Хоразм меҳнаткашлари учун катта синов даври бўлди. 2000 - 2001 йилларда юз берган сув танқислиги, об-ҳавонинг кескин ўзгариши қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқарди. Лекин вилоятимиз меҳнаткашлари табиат қийинчиликларини бартараф қилиш учун бор куч ва тажрибаларини сафарбар қилдилар.***

### ДАВР ИМИЛЛАШНИ КЕЧИРМАЙДИ

Таъкидлаш керакки, республикамиз раҳбарияти вилоятимиз аҳолисига жуда катта ёрдам бериб, оғир дамларда қўллаб-қувватлаб турди. Аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга жуда катта маблағ ажратди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ёрдамида эса 2000 дан зиёд хотин-қизлар ва 5000 нафар ўқувчилар республика миқёсидаги санаторийлар ва болалар оромгоҳларига бепул йўлланмалар билан юборилди.

2004 йилда қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятлар ниҳоятда қувончли бўлмоқда. Асосий экин - пахта етиштириш бўйича шартномавий режа ошиғи билан уддаланди. Дон, пилла, сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича шартномавий режалар ҳам ошириб бажарилди.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари юртимизда юз бераётган ўсиш, ўзгаришлар билан ҳамқадам бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг Устави, ҳаракат дастури, III Қурултой қабул қилган қарорларни амалда бажариш бўйича тегишли ташкилий - оммавий тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишлари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Бу касаба уюшмаларининг жамиятдаги ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Касаба уюшмалари давлат тузилмалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, хуллас меҳнатни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тоифа сифатида ҳимоя қилувчиларнинг барчаси билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Кейинги йилларда бу борада вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ижтимоий шериклик кучайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим. Ҳар йили вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари Кенгаши ўртасида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масалалари бўйича Келишувлар тузилмоқда ва унинг бажарилиши қаттиқ назорат қилиняпти.



Умуман 385 мингдан зиёд ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муҳофазасини амалга ошириш мақсадларида 2003 йилда 1276 жамоа шартномалари, 89 та туман, шаҳар ва ҳудудий келишувлар имзоланди. Ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини яхшилашга қаратилган тадбирлар учун катта маблағ сарфланди. Жамоа шартномаси тадбирларини бажариш учун вилоят бўйича ўртача ҳар бир ходимга йил давомида 47917 сўм сарфланди.

Жорий йилда эса жамоа шартномаларида кўзда тутилган тадбирларни бажаришга 8,7 миллиард сўм ажратилди.

Хоразм электр тармоқлари корхонаси, «Хоразмтелеком», «Урганчгазузатиш» шуъба корхонаси, «Хоразмшакар» ҳиссадорлик жамияти, «Унихо» қўшма корхонаси, Урганч экскаватор заводи, «Иссиқлик манбаи» бошқармаси, «Хоразмгаз» шуъба корхонаси, Хонқа пахта тозалаш заводи, Қўшкўпир туманидаги И. Бекмонов номли ширкат хўжалиги, «Пахта банк»да бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда)

## «Ишонч» фош этади

***Пахтаобод пахта тозалаш хиссадорлик жамиятида содир этилган ўғирликни ҳар ким ўзича таҳлил ва талқин қилди. Корхона коровуллари билан ўғрилар ўртасидаги даҳанаки муштлашув эса бир неча кишининг тан жароҳати олиб шифохонага ётқизилиши, айримларининг жиноятчи сифатида қўлга олингани билан ниҳоя топди. Айбдорлар қонун олдида жавоб беришлари аниқ. Лекин биз ушбу мақоламизда масаланинг бошқа бир жиҳатига эътиборни қаратмоқчимиз.***

### МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА ПАНЖА ОРАСИДАН

Хўш, Сардоба тумани марказидаги корхонада нима учун бундай ачинарли аҳвол юзага келди? Аввало буни кадрлар қўнимсизлиги билан изоҳламоқ жоиз. Корхона раҳбарининг алмашаверишидан ишчи-хизматчилардан тортиб, инженер-техник ходимларгача безиллаб қолишган. Негаки, улар бунинг оқибатида иш ҳақларини вақтида ололмайдиган, жамоа шартномаси билан белгиланган ижтимоий кафолатлардан фойдаланолмайдиган бўлиб қолдилар. Охир-оқибатда, корхонада кўплаб салбий ҳолатлар болалай бошлади. Корхона касаба уюшма қўмитаси эса бу ҳолга бепарво муносабатда бўлиб келмоқда. Шунинг учун ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш аҳволи ўлда-жўлда қолмоқда. Иш ҳақидан қарздорлик ҳамон давом этмоқда. Дивидент тўлаш кечикмоқда.

Йил бошида қабул қилинган жамоа шартномаси 13 боб, 105 пунктдан иборат қилиб тузилган бўлса-да, шартнома шартларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи тарафлар вакилларидан иборат қўшма комиссия ташкил этилмаган. Оқибатда мана йил якунланяпти ҳамки, унинг бандлари ижросиз қолмоқда.

Масалан, «Меҳнат муҳофазаси» бобида «...иш берувчи... касаба уюшма қўмитаси билан... меҳнатни муҳофаза қилишга оид тадбирларни ишлаб чиқиш мажбуриятини ўз зиммасига олади», дейилганига қарамай, бу ишлар ҳанузгача бажарилмаган. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат гигиенаси билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш учун қанча миқдорда маблағ ажратилиши кўрсатилмаган. Меҳнат муҳофазаси учун етарли маблағ ажратилиши, бу маблағ бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши, улардан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш касаба уюшма қўмитаси зиммасида бўлишига қарамай бирорта жўяли иш қилинмаган.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши ҳақида йил чорагида бир марта, ушбу мақсад учун ажратилган пул маблағлари сарфланиши ҳақида ярим йилда бир марта касаба уюшма қўмитаси ва меҳнат жамоасини хабардор қилиши шарт бўлса-да, бунга корхона раҳбарлари ҳали-вери вақт топа олмайдиган кўринади.

Корхона техника хавфсизлиги муҳандиси Ш. Маматқулов яқинда тайинланган бўлиб, у ўрта махсус маълумотли ва бошқа соҳа мутахассиси бўлгани учун вазифасидан хабардор эмас. Афтидан у хизмат вазифаси ходимларни ўз вақтида махсус дафтарга имзо чектиришдангина иборат, деган тушунчадан нарига ўтолмаяпти. Негаки, ноябр ойида, биз корхонада бўлган кунимиз тузилган чора-тадбирларда хўжакўрсинлик аломати кўриниб турибди. Бахтсиз ҳодисалар юзасидан махсус дафтар юритилмайди. Техника хавфсизлиги бурчаги йўқ. Ходимлар билан махсус ўқув машғулотлари ўтказилмайди. Тарғибот-ташвиқот ишлари ночор аҳволда.

Хотин-қизларнинг ўрни корхонада салмоқли. Жамоада 115 нафар аёл меҳнат қилади. Демак, уларнинг ҳам иш вақти меъёрланган бўлиши, бажарилган иш учун албатта ҳақ тўланиши, жамоа шартномасида белгиланган бошқа ижтимоий имтиёзлардан тўла фойдаланишлари шарт. Лекин назоратсизлик оқибатида белгиланган бу имтиёзлардан ҳамиша ҳам ва тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Ишчи аёллардан айримларининг қуйидаги фикрлари бу мулоҳазамизни тўла тасдиқлайди:

**О. УСМОНОВА, пресслаш цехи ишчиси**:

- Йигирма йилдан бери шу ерда ишлайман. Махсус кийим-бош, овқат бериб борилса, айни муддао бўларди. Айниқса, қиш фаслида оёқда тик туриб ишлашнинг ўзи бўлмайди. Оёғимизга махсус кигиз этик берилса, деймиз.

**М. АҲМАДЖОНОВА, арра тайёрлаш цехи ишчиси:**

— Жамоа шартномасида пенсияга чиққанлар, меҳнатда жароҳат олганларга ҳар йили дам олиш, санаторий-курортларда даволаниш учун бепул йўлланма берилиши таъкидланган бўлса-да, бунга эришилган эмас.

Ҳуқуқий тарғибот юзасидан касаба уюшма қўмитасининг махсус дастури йўқ. Ходимлар ўзларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари, уни ҳимоя қила олмасликлари туфайли ишлаб чиқариш жараёнидаги бахтсиз ҳодисаларни яшириш ҳоллари учрамоқда. Масалан, Абдумутал исмли ишчи иш вақтида бошидан яраланган бўлса-да, «Н-1» шаклидаги далолатнома тўлғазилмаган, тегишли чора-тадбирлар кўрилмаган. Шунингдек, Бахтиёр исмли ходим ҳам иш жойида қаттиқ шикаст олиб, жароҳатланади. Лекин унга ҳам ўз вақтида қонуний ҳужжатлар тўлғазилмасдан бахтсиз ҳодиса тафсилотлари яширилган. Бунда ходимлар ҳам ўз қонуний ҳуқуқларини қатъий туриб ҳимоя қилишлари зарур эди, албатта.

Ишчи П. Усмонов иш вақтида вазифасини бажара туриб ҳаётдан кўз юмди. Бундан тиббиёт ходимлари ўзларига сабоқ чиқаришдими? Корхона ҳамшираси ишчининг аҳволидан хабардор бўлиши, зарур бўлса уни дам олишга юбориши керак эмасмиди?

Корхонада бугунги кунда касб касаллигига чалинган беш, ишлаб чиқаришда жароҳатланган бир, бахтсиз ҳодиса туфайли ишга яроқсиз бўлиб қолган олти киши пенсия ва нафақа олади. Лекин уларга ҳам пул маблағлари ойлаб тўланмаяпти.

Жамоа шартномасининг 5.3-банди диққатимизни тортди: унга кўра «корхонада ҳар ойнинг 25-кунида аванс, ҳар ойнинг 5-кунида иш ҳақи бериб борилади. Иш ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун корхона раҳбарига унинг лавозим иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида жарима солинади». Амалда бўлса... бу банд ходимларга хомхаёл ёки ширин бир тушга ўхшаб қолмоқда. Балки бу туш таъбирини корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Амир Ўринбоев кўпчиликка тушунтириб берар?!

Ҳа, айтгандай, ташвишли аҳволнинг туб сабаблари билан танишиш мақсадида корхона раҳбари Зокир Обидовга учраганимизда у «Сирдарёпахтасаноат» ҳудудий бошқармаси раисининг шахсан рухсати зарурлигини, бусиз мухбирнинг корхонага қўйилмаслигини айтди. Лекин астойдил уринишимиз самараси ўларок, у киши вазифамизни бажаришимизга рози бўлди.

Ишчи хизматчиларни ҳозирда расмиятчилик, баҳоналарни рўкач қилиш, бошбошдоқлик қачон барҳам топаркин, қачон муаммоларсиз, жонни қийнамай ишлаш насиб этаркин, деган саволлар ўйлантиряпти. Мутасаддилар бунга нима дейишаркин?

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ДИЛЛАРНИ МУНАВВАР ЭТГУВЧИ ҚУТЛУҒ АЙЁМ МУБОРАК!

(Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июлдаги «Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан аждодларимиз руҳониятини шод этиш, диёримиз мусулмонларининг маънавий ҳаёти, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга садоқат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни узоқ ўтмишимиздан хабардор этиш ишлари такомиллаштирилди.

Жорий йилда мамлакатимизда амалга оширилган хайрли ишлар қаторида Президентимиз Фармони билан жойларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фармон ижроси юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар аёллар оғирини енгил қилиш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, маънавий савиясини юксалтириш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ислом динида ҳам аёлларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, ҳаттоки «Жаннат оналар оёғи остида» экани таъкидланган. Табароний ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ алайҳиссалом шундай марҳамат қилганлар: «Албатта, Аллоҳ таоло аёллар билан яхши муомалада бўлишингизни буюради. Чунки улар сизнинг оналарингиз, қизларингиз, холаларингиздир».

Азиз юртдошлар!

Бу кунларга соғ-омон етказгани учун Аллоҳ таологa ҳамду сано айтиб, ўзаро меҳр-оқибатли, ҳусни муомалада бўлайлик. Бирор сабабга кўра аразлашган, ўрталарига совуқчилик тушган таниш-билишлар ҳам ҳайит шарофати туфайли бир-бирларига қучоқ очсинлар. Ушбу муборак кунларда гина-кудуратни унутиб, кечиримли бўлиш айни савобли амалдир.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг «Оли Имрон» сураси, 134-оятида шундай марҳамат қилади: «(У тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар».

Муборак Рамазон ҳайити улуғ байрам, уни шоду ҳуррамлик билан ўтказиш лозим. Жамиятимизда кузатилаётган байрамни фотиҳахонликка айлантириш, дабдабали келин ҳайит ўтказишларга барҳам бериш керак. Аллоҳ ато этган нозу неъматлар, молу мулкни беҳуда исроф қилмасдан, ўз ўрнига сарфлашимиз муҳимдир.

Улуғ айём билан муҳтарам Президентимизни, қарилик гаштини сураётган табаррук ёшдаги нуроний ва файзли отахон-онахонларимизни, барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этамиз. Она Ватанимиз тараққиёти, халқимиз тинчлиги ва фаровонлиги йўлидаги хайрли, савобли ишларда Яратганнинг ўзи барчамизга мададкор бўлсин.

Ҳайитингиз муборак бўлсин, азизлар!

**Ўзбекистон мусулмонлари Уламолари Кенгаши номидан**
**муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ**

# БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

**16-савол. Сайловларда ўтроқлик цензи нимани билдиради?**

**Ўтроқлик (муқимлик) цензи** - муайян бир ҳудудда овоз берган фуқаролар, айнан ўша ҳудудда, сайловгача маълум муддат давомида муқим яшаган бўлишлари талаб этилади. Ўтроқлик цензи турли давлатларда турлича бўлиши мумкин, масалан, Францияда фуқаролар сайловда қатнашишлари учун, шу ҳудудда ярим йил, ГФРда эса - уч ой, АҚШда - 1 - 2 ой яшаган бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланиш учун, фуқаро, **камида беш йил** мамлакат ҳудудида муқим яшаган бўлиши талаб этилади.

**17-савол. Мулк цензи нима?**

Мулк цензи бу - сайловчиларнинг сайловда қатнашиш учун муайян мулкка, даромадга эга бўлишлари талаб этилади. Мулк цензи, асосан, тарихда мавжуд бўлган, ҳозирги замон сайлов амалиётида, айрим истиснолардан ташқари, айтарли қўлланилмайди. Масалан, Аргентинада Президентликка номзод бўлиш учун шахснинг **маълум миқдорда йиллик даромади бўлиши лозимлиги талаб этилади.** Бу даромад ушбу шахснинг бойлик орттириш учун эмас, балки халққа хизмат қилиши учун Президент бўлишга интилаётганидан далолат беради. Ўзбекистон сайлов қонунчилигида мулк цензи назарда тутилмаган.

**18-савол. Сайлов жараёни нима?**

**Сайлов жараёни** - сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга ошириладиган тадбир ва чоралар мажмуидан иборатдир.

**19-савол. Сайлов жараёни қандай босқичлардан иборат?**

Одатда, сайлов жараёни тўрт **босқични** ўз ичига олади:

1) сайлов округларини белгилаш ва уларда сайлов участкаларини ташкил этиш, сайлов органларини ташкил этиш, сайловчиларни рўйхатдан ўтказиш;

2) сайловлар кунини белгилаш, номзодлар кўрсатиш;

3) сайлов олди кураши, овоз бериш;

4) овозларни ҳисоблаш, овоз бериш натижаларини аниқлаш.

**20-савол. Сайлов округи тушунчасининг мазмуни нимадан иборат?**

**Сайлов округи** - марказий сайлов органи томонидан тузиладиган муайян бир белгиланган ҳудуд бўлиб, унда бевосита сайловлар ўтказилади ва шу ҳудуддан депутат (ёки депутатлар) сайланади. «Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 2-боби 7-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказиш учун сайлов округларини тузиш тартиби ва асослари мустаҳкамланган.

(Боши ўтган сонларда)

**21-савол. Сайлов округлари қай тарзда ташкил этилади?**

Сайлов округлари, бевосита махсус тарзда ташкил этилиши мумкин, айрим ҳолларда эса маъмурий-ҳудудий бўлинмалар ёки федерация субъектлари ҳудудлари сайлов округлари сифатида хизмат қилади.

**22-савол. Сайлов округларининг қандай кўринишлари мавжуд?**

Сайлов округлари бир мандатли, кўп мандатли ва ягона бўлиши мумкин.

**23-савол. Бир мандатли сайлов округи қанақа?**

Бир мандатли сайлов округида, айнан ўша округдан фақат биттагина депутат сайланади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 2-боби 7-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар ўтказиш учун 120 та ҳудудий сайлов округи тузилиб, ҳар бир сайлов округидан **битта депутат сайланади**.

**24-савол. Кўп мандатли сайлов округи қанақа?**

Кўп мандатли сайлов округида, бир мандатли сайлов округидан фарқ қилган ҳолда, ундан бир неча депутатлар сайланади.

**25-савол. Сайлов участкалари нима?**

**Сайлов участкалари** - сайлов округини бўлиш орқали шакллантирилади ва уларда, бевосита овоз бериш учун аниқ жойлар белгиланиб, сайловчилар овоз бериш жараёнини амалга ошириш учун келишади. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир)нинг 2-боби 8-моддасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайловларда сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси белгиланган бўлиб, сайлов участкалари туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади.

(Давоми бор)

## 2004 йил — «Меҳр ва мурувват йили»

# ҚАРОВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛАРГА бепул уй берилди

***Биз сўз юритмоқчи бўлган «Шарқ Юлдузи» ширкат хўжалиги Косонсой билан Чуст туманлари оралиғидаги қадимий Нов даштида жойлашган. Чап томонида Тўрақўрғон тумани, ўнг тарафида эса қўшни Қирғизистон Республикасининг «1 май» қишлоғи билан чегараланади. Хўжаликда узумчилик, боғдорчилик, пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва ғаллачилик тармоқлари мавжуд. Кейинги пайтларда хўжалик ҳудудидаги Новобод қишлоғи ободонлашиб, бу ерда яшовчиларнинг ижтимоий ҳимояси борасида ҳам катта ишлар қилинди.***

- Бу ишлаб чиқариш ривожига, ундан келадиган даромадга боғлиқ, - дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдуҳаким Худойназаров. - Амалдаги йилда қўлга киритилган кўрсаткичлар бунга мисол бўла олади.

Дарҳақиқат, хўжалик ишчилари 2004 йилда ҳар қачонгидан кўра ҳам яхши ишладилар. Сув бошқа йиллардагига қараганда анча кам бўлганлигига қарамасдан, барча экинлардан мўл ҳосил етиштирилди. Деҳқончиликнинг чилгиси ҳисобланган ғаллачиликдан баракали хирмон кўтарилди. 174 гектар ерда дон етиштирилиб, 837 тонна буғдой ишловчилар, қишлоқларда истиқомат қилаётганларга тарқатилди ва келгуси йил учун уруғликка қолдирилди.

Бу йил 250 та оила пудрати фаолият кўрсатди. Уларнинг ҳар бири мавсум якунига кўра 350-400 минг сўмгача даромадга эга бўлдилар. Дончилик соҳасида яхши тажриба тўплаган хўжалик ғаллакорлари келгуси йил ҳосили учун ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Экин майдонларига вилоятда биринчилар қаторида уруғ экилди. Уруғ униб чиққан майдонлар маҳаллий ва минерал ўғитлар аралашмаси билан озиқлантирилмоқда.

Бу йил бош тармоқ ҳисобланган боғдорчилик бўйича эришилган ютуқни айниқса, мамнуният билан тилга олса арзийди. Агар 2002 йилда 1000 тонна, ўтган йилда табиий офат-токларни совуқ уриб кетгани оқибатида атиги 150 тоннагина ҳосил йиғиштириб олинган бўлса, амалдаги йилда бу борадаги кўрсаткич 1500 тоннани ташкил қилди. Ҳар гектар ер ҳисобига ҳосилдорлик 35 центнерга тўғри келди. Абдумутал Бекпўлатов, Маъруфжон Тўрамов, Маъруфжон Мадаминовлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда эса ҳосилдорлик 55-61 центнерданни ташкил этди.

Пахтачилик бўйича белгиланган йиллик топшириқ ҳам ошириб адо этилди. Давлат тайёрлов идораларига 320 тонна ҳосил етказиб берилди. Шу соҳанинг ўзидан режадаги 65 миллион ўрнига 80 миллион сўм даромад қилишга эришилмоқда. Хўжалик ҳудудидаги узумни қайта ишлаш корхонаси фаолияти ҳам катта иқтисодий самара бермоқда. Шу йилнинг ўзида ундан кўриладиган иқтисодий наф 100 миллион сўм бўлиши кўзда тутилмоқда. Умуман, барча тармоқларни қўшганда 400 миллион сўмдан ортиқроқ даромад қилиш мўлжалланмоқда. Булар эса хўжалик ҳудудида яшайдиган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни кўпроқ қўллаб-қувватлаш, уларга моддий жиҳатдан кўмаклашиш имконини бермоқда.

– Йил бошлари эди, - дейди шу мавзуда суҳбатни давом эттирар эканмиз раис. – Қаровчисини йўқотган ва ёлғиз яшайдиган бир фуқаромиз идорага кириб келди. Турар-жойи ночор ҳолатга тушиб қолганлигини айтиб ёрдам сўради.

Аслида кўмак сўраган ёлғиз угина эмас эди. Биз хўжалик касаба уюшма қўмитаси билан шу соҳани чуқурроқ ўрганишга қарор қилдик. Тузилган комиссия шу мазмунда тушган аризаларни пухта ўрганиб чиқди. Кейин унинг натижасини хўжалик бошқаруви ва касаба уюшма қўмитасининг қўшма йиғилишида кўриб чиқиб, тегишли қарор чиқардик. Шунга кўра, хўжалигимиз ҳудудидаги эгалари кўчиб кетиб харобага айланиб қолган турар жойлардан 4 таси қурувчилар бригадаси томонидан капитал таъмирлашдан чиқарилди ва йиғилиш қарорига кўра ёлғиз яшовчилардан Турсунбой Жулиев, Муҳаббат Қозоқова, Ҳафиза Абдуллаева ва Турсунали Жабдуллаевларга бепул берилди. Шунингдек, ариза билан шу соҳада кўмак сўраб мурожаат қилган кам таъминланган ва кўп болали еттита оилага ҳам 50 фоиз арзонлаштирилган баҳоларда турар-жойлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, қаровчисини йўқотган кексаларга, ногиронларга бепул ва кам таъминланган оилаларга имтиёзли баҳоларда дон тарқатилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# МАҲАЛЛА ГУЗАРИДА

***Жиззах вилоят божхона бошқармасининг 1-сонли чегара манзили Мирзачўл тумани билан Қозоғистоннинг Жеттисой тумани ҳудудларини ажратиб турувчи ерда жойлашган. Бошқача айтганда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дарвозалардан бири.***

– Одамлар ўзларининг айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қимматроқ сотиб, рўзғорини бут қилишга интилишларини яхши тушунамиз, - дейди божхона пости бошлиғи вазифасини бажарувчи Шомурод Қўнаров. – Шунинг учун ҳам ўз эҳтиёжидан ортиқча баъзи маҳсулотларни Қозоғистонга олиб ўтаётган юртимиз фуқаролари йўлини тўсмасликка ҳаракат қилаяпмиз.

Бироқ, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим юртдошларимиз дизел ёқилғиси, пахта хомашёси, минерал ўғитлар, дон маҳсулотлари, рангли металлар ва бошқа моддий бойликларимизни чегарадан олиб ўтиш ҳолатлари ҳам содир бўлиб турибди. Шу йилнинг ўтган ойларида божхона ходимлари ана шундай ноқонуний хатти-ҳаракатлардан 520 тасини аниқладилар. 514 ҳолатга маъмурий тартибда қонуний чора кўрилди. Ҳаммаси бўлиб 31 миллион 480 минг сўмлик товар-моддий бойликлар ушлаб қолинди. Божхона манзили ҳудудида 14 та блок-постлар ташкил этилган. Пахта йиғим-терим мавсумида ички ишлар вазирлиги ҳамда чегара қўшинларидан 180 киши чегарага қўйилди. Шунинг учун бу йилги пахта мавсумида хомашёни Қозоғистонга олиб ўтиш ҳолатлари содир этилгани йўқ.

Гагарин чегара манзилида 39 нафар хизматчи меҳнат қилади. Уларга унумли ишлашлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилган. Компьютер, автоуловлар ажратилган. Телефон алоқаси ўрнатилган. Божхона қошида ётоқхона, ошхона ташкил этилган. Фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, юкларини назорат қилиш учун усти ёпиқ айвонлар қурилди ва керакли жиҳозлар билан таъминланди.

«Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури доирасида вилоят божхоначилари бир қатор хайр-саховат ишларини амалга оширишмоқда. Улар 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оталиққа олишган. Уларга мусиқа асбоб-ускуналари сотиб олиб беришди. Меҳрибонлик уйи биносини таъмирлаш ва жиҳозлашга моддий ёрдам кўрсатилди. Уч нафар тарбияланувчини божхоначилар ўз ҳомийлигига олишган. Уларнинг кийим-боши, ўқув адабиётлари билан таъминланишидан тортиб, келгуси ҳаётлари яъни, мактабни тугатиб, ўқишга ёки ишга жойлашишигача улар назоратида бўлади. Жиззах шаҳридаги «Кимёгар» маҳалласида амалга оширилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишларида божхоначиларнинг ҳиммати катта бўлаётир. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалла гузари қошида спорт майдончалари ташкил этилди. Чоршанба ва шанба кунлари спорт-соғломлаштириш куни деб эълон қилинган. Божхоначилар оилалари ва фарзандлари шаҳардаги Олимпия заҳиралари коллежи ва Жиззах давлат педагогика институтининг очиқ ва ёпиқ спорт заллари ва майдончаларида шуғулланадилар. Бу ерда оммавий спорт тадбирлари тез-тез ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари, 29-Меҳрибонлик уйи ва Зомин туманидаги ақли заиф болалар мактаб-интернатига компьютер совға қилинди. Жиззах шаҳридаги кўзи ожизлар мактаб-интернатига пул маблағи билан ёрдам берилди. Хизмат вақтида вафот этган 2 нафар ходимнинг оиласига мунтазам кўмак бериб келинмоқда.

**Б.НОРИЕВ**



«Дўстлик дон маҳсулотлари» ҳиссадорлик жамияти бир неча йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Асосан хомашё Дўстлик, Арнасой ва Мирзачўл туманлари дон етиштирувчи фермер хўжаликларидан ҳамда ички тизим корхоналаридан харид қилинади. Айни пайтда жамиятда 392 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг ўртача иш ҳақи 33 минг сўмни ташкил этади. Корхона маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ишчиларга иссиқ овқат, кийим–бош берилмоқда, ҳамда уларга юз ўринли ошхона ва ундан ташқари ишдан чиққанда душ ва чўмилиш хоналари хизмат кўрсатиб турибди.

**Суратда: илғор ишчи А.Мансуров**
**Ғулом ХИДИРОВ олган сурат**

# МАҲСУЛОТГА МОСКВАДАН БУЮРТМА

***«Мос Ян Текс» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси жамоаси тўрт ой ичида 30 миллион сўмлик трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқарди. Корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этади.***

Ушбу қўшма корхонанинг муассислари Москвадаги «Борода» масъулияти чекланган жамият ва Янгиердаги «Snipa-tex» хусусий ишлаб чиқариш фирмасидир. Бу ерда россияликлар етказиб берган ишлаб чиқариш ускуналари ўрнатилган.

- Хомашё билан таъминлаш бизнинг зиммамизда, - дейди корхона директори Акрам Ҳайдаров. - Сифатли трикотаж газламани Самарқанддан, қўшимча материалларни эса Тошкентдан келтирамиз. Мана шу тўрт ой давомида узлуксиз ишладик. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот - катталар ва болалар футболкалари, майкалари ва бошқалар Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда ҳамда ички бозорга етказиб берилаётир.

**(ЎзА)**



## «ПАХТА БАНК»

# ЗАМОНАВИЙ СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

**1.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси – Бу Сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамизнинг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд.

**2.** «Пахта Банк» сўм пластик карточка эгалари учун карточкалардаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 устама фоиз, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади.

**3.** Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти Сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.

**4.** Пластик карточкадан фойдаланиш учун Сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада ўзга шахсларнинг пластик карточкангиздан фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади.

**5.** Республика миқёсида дўконларга ва савдо хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз.

**6.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз равишда коммунал хизмат учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.

**7.** Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.

**8.** Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўл кира ҳақини пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.

**9.** Пластик карточкангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.

**10.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига Республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.

**11.** Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда бутун Республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.

**12.** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-сонли қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоизга кам тўлайдилар.

**13.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкангизга доир маълумотларни сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришига кафолат беради.

**14.** «Пахта Банк» сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш Фонди томонидан кафолатланган.

**15.** Товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.



**Тошкент шаҳри Сайид Барака кўчаси 78-уйда жойлашган САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ «САВДОГАРБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ КЕНГАШИ ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИГА АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**Кун тартиби:**

1.«Савдогарбанк» Устав капиталида хорижий таъсисчини қўшилиши ва хорижий таъсисчини қўшилиши ҳисобига банк мақомини ўзгартириш тўғрисида.

2.Қўшимча акциялар чиқариш ҳисобига Савдогарбанк устав капиталини ошириш, эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш тўғрисида.

3.Банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш тўғрисида.

4.Банк Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Йиғилиш 2004 йил 14 декабр куни соат 10.00 да Тошкент шаҳри Сайид Барака кўчаси 78-уйда ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчилари 2004 йил 14 декабр куни соат 8.30 дан 9.45 гача рўйхатга олинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2004 йил 13 ноябр ҳолатига тузилиб, акциядорлар ҳамда уларнинг вакилларидан йиғилишда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

**БАНК КЕНГАШИ**
**Маълумот учун телефонлар 54-18-65, 133-72-07**

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



*Бир-биримизга меҳру оқибатли бўлайлик. Она Ватанимизни фидокорона меҳнатимиз билан улуғлайлик*



## ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА, ГЕОЛОГИЯ ВА КИМЁ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ

*Шу азиз Ватан барчамизники. Ўзаро ҳамжиҳатликда саъй-ҳаракат қилиб, улуғвор ишларни рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшайлик.*



## ҚУРИЛИШ ВА ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ВАКИЛЛИГИ



*Барчани Ийд ал-Фитр — Рамазон ҳайити билан муборакбод этади*

# АНДИЖОН ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИ



*Шу муқаддас заминда яшаётган инсонларни муборак Рамазон ҳайити билан қутлаймиз*



*Хонадонларингиздан қут-барака аримасин!*

## «ПОПДОНМАҲСУЛОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Ғанимат дамлар қадрига етайлик*



## «ҚЎҚОН МАРКАЗИЙ БУЮМ БОЗОРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



*Эзгу ишлар йўлидаги барча саъй-ҳаракатингиз бароридан келсин. Она Ўзбекистонимизга асло кўз тегмасин*

# БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Шу муборак кунларда барча эзгу тилакларимиз ижобат бўлсин, дея ният қиламиз. Ўхшаши йўқ юртимиздан қут-барака аримасин.*




**АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!**

## АТБ «ҲАМКОРБАНК»

### Тошкент филиали жамоаси

**Сизларни улуғ айём рамазон ҳайити билан табриклайди ҳамда қуйидаги хизмат турларини таклиф этади**

*АТБ «Ҳамкорбанк» Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг микрокредитлаш лойиҳаси бўйича улгуржи ва чакана савдо, кичик ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларига миллий ва чет эл валютасида кредитлар беради*



*Кредит миқдори;
АҚШ долларида нақд пул йўли билан 50 минг АҚШ долларигача
Миллий валютада нақд пул йўли билан 50 миллион сўмгача
Кредит 1 йилгача бўлган муддатга берилади*

**АТБ «Ҳамкорбанк» АҚШ долларида янги «Тақдим этувчига» омонат турини таклиф этади
Ушбу омонат 3 ой муддатга қабул қилиниб, даромадини хоҳласангиз сўмда йиллик 18 фоизгача, АҚШ долларида йиллик 15 фоизгача олишингиз мумкин
Омонат сир сақланиши кафолатланади**

ҲАМКОРБАНК —
*Сиз учун ишончли ҳамкор*

**Тел: (8-3712) 45-53-10, 45-72-52**



**АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!**

## РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК» ЖАМОАСИ

**Мамлакатимиз фуқароларини Рамазон ҳайити байрами билан самимий муборакбод этиш билан бирга «ОЛТИН КУЗ» омонатини таклиф этади**

*Банк мазкур омонатга маблағларни жорий йилнинг 8 ноябридан 1 декабригача 6 фоиз устамаси билан 2 ой муддатга қабул қилаётганини маълум қилади.*

*Шу билан бирга «Ғаллабанк» Сизларга маъқул бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам доимий равишда маблағ қабул қилмоқда*

| Омонат (депозит) номлари | Муддати | Бошланғич бадал | Асосий шартлар |
|---|---|---|---|
| Имконият | 6 ой | 10000 сўм | Омонат муддати тугаганидан сўнг маблағни уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль,турар жойларни сотиб олишга ишлатилади, ойига 2,7 фоиз устама ҳисобланади |
| Саломатлик | 11 ой | 10000 сўм | Ойига 3,0 фоиз устама ҳисобланади ва фақат саёҳатга чиқиш, саломатликни тиклаш учун сарфланади |
| Нафақа–мададкор | 1 йил | 10000 сўм | Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 2,7 фоиз устама берилади |
| Қувонч | 3 ой–3 йил | 10000–5000000 сўмгача | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан 30,0 фоиздан 36,0 фоизгача устама тўлашга келишилади |
| Барака | 3 ой–3 йил | 5000000–10000000 сўмгача | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан 31,2 фоиздан 37,2 фоизгача устама тўлашга келишилади |
| Капитал–плюс | 3 ой–3 йил | 10000000 сўмдан юқори | Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан 32,4 фоиздан 38,4 фоизгача устама тўлашга келишилади |
| Меҳригиё | 18 ёшгача | 10000 сўм | Йилига 21,6 фоиздан ҳисоблаб, капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади |

*Шунингдек, айни вақтда банкнинг V эмиссия омонат сертификатлари жойлаштирилмоқда. Сертификатнинг муомала муддати 12 ой бўлиб, тақдим этувчига ёзиб бериладиган қимматли қоғоз ҳисобланади. Омонат сертификатининг даромад фоизи йиллик 36 фоиз миқдорида бўлиб, ҳар чорак давомида омонатчи 9 фоиз миқдорида даромад олиши мумкин*

**Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!**
**Мурожаат учун телефонлар: 133-71-72, 156-26-57, 136-16-17**
**«ҒАЛЛАБАНК» ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!**

